

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КЛИНИКАЛАРИДА ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

**Ниғматуллаева С.Қ., 307-гуруҳ Олий ҳамширалик иши факультеты,
Илмий раҳбари: Мирдадаева Д.Д.**

**ТошПТИ, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш
кафедраси**

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда ҳамширалар фаолияти ва уларнинг эстетик тарбияланганлик даражасига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг асосий шарт шароитларидан ҳисобланган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва уни такомиллаштириш асосий мазмун моҳият касб этади. Замонавий шароитларда касбий қобилият этика деонтология тамойиллари ва касбий жозибадорликнинг асослари ва уларни ҳамширалик амалиётида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Барча тиббий фаолиятда этика ва эстетик тарбия ҳар бир аҳолига индивидуал тарзда ёндошишнинг замонавий ёндошувларини талаб этади. Тиббий этика, маданият, эстетик тарбияланганлик даражаси соғлиқни сақлашни “юзи” бўлиб ҳисобланади, айнан ушбу элементлар бугунги кунда соғлиқни сақлашни шиддат билан ривожланишида биринчи ўринга кўтарилаётган иқтисод, замонавий даво диагностика технологиялари, биотиббий тадқиқотлар, фармакотерапия йўналишларидан сусайиб бормоқда.

Асосий мақсади: Тошкент шаҳри клиникалари ўрта тиббиёт ходимларини эстетик тарбиялашни ўрганиш ва такомиллаштириш. Беморларни парвариш қилиш сифатини ошириш мақсадида ўрта тиббиёт ходимлари амалиётига тиббий хизмат кўрсатишнинг юқори даражадаги тиббий маданиятни ва эстетик тарбияни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Тадқиқот натижалари: Этика ва деонтология тамойилларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омиллардан асосийлари бўйича 34 иштирокчи малака хусусиятларини, 24 респондент шахсий омилларни ва 10 та мутахассис муҳим омилларни қайд этди. Етакчи омил шуни кўрсатадики, ҳамширалар ходимларнинг бу борада етарлича малакаси йўқ, шунинг учун ҳамширалар малакасини малакавий мутахассислик тавсифнома асосида малакасини ошириш, ўқув машғулотлари ёки ахлоқ деонтологик тамойилларни этик деонтологик мактабларини жорий этишни йўлга қўйиш ва мутахассислик борасида фаолиятга юборилаётган мутахассисларни мазкур мактабларда ўқитиш тавсия этилади.

Хулоса: Ўрта тиббиёт ходимларини эстетик тарбиялашда шахсий омил ҳам жуда муҳимдир. Бу борада яратилган мактабларда шахсий омилни такомиллаштириш учун махсус ёндошувларни талаб қилади. Моддий омил мутахассисларга рағбатланиш сифатида амалга оширилиб сифат ва самарадорликни оширишга замин яратади. Бундан ташқари тадқиқот натижаларига кўра шифокорлар фикрига таянадиган бўлсак бу борада фаолият жараёнида шифокор томонидан тарбия ва тақлифлар амалий тарзда ўтказилиши зарурлиги тавсия этилди. Уларнинг фикрига кўра ўрта тиббиёт ходимлари кўпроқ малака ва шахсий фазилатларга таянсалар мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Волков, Сергей Каренович. "Вертебрально-базиллярная недостаточность: клинические и диагностические аспекты." Неврология, нейропсихиатрия, психосоматика 2 (2010): 33-39.